



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

50 (111) 2010 йил 8 декабрь, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган
www.milliytiklanish.uz

Партия кадрлари салоҳиятини кучайтириш

Бир ҳафтага мўлжалланган ўқув машғулотлари партия фаолиятини янада такомиллаштириш, кадрлар потенциалини кучайтириш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маърифий ҳамда иқтисодий билимларини ошириш, партия мафқураси ва ғоясини тарғиб этишнинг янгича усул ва ёндашувларини жорий этиш мақсадида ўтказилди.



4 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Конституция — таълим демократияси кафолати

Маълумки, давлатнинг қудрати, тараққиёт даражаси фуқароларнинг интеллектуал салоҳиятига, билим ва тажрибасига боғлиқ. Бу тарихий ҳақиқат. Кадрлари етук ва баркамол давлатгина ҳар томонлама тараққий этиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи айтиб турибди.



5 ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Бадий гимнастика: маҳорат сабоқлари

Бадий гимнастика спорт тури билан 2009 йилда вилоятда 1800 нафарга яқин қиз мунтазам шуғулланган бўлса, улар сони яратилган кенг имкониятлар натижасида жорий йилда 2800 нафарга етди.



6 ЖАРАЁН

МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадри дўстлар! Хонимлар ва жаноблар! Шу кунларда Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллиги мамлакатимизда тантанали равишда байрам қилинмоқда.

Давлатимиз ва халқимиз ҳаётида том маънода тарихий сана бўлган ушбу айём ҳақида гапирар эканмиз, биз Конституциямизнинг бугунги Ўзбекистон давлатчилигининг тикланиши ва ривожланишидаги бекиёс ўрни ва аҳамиятини юксак баҳолаймиз. Ва шу аснода мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадга эришиш, яъни юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришда Конституциямизнинг мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётганини мамнуният билан эътироф этамиз.

Бугун Ўзбекистонимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлини холисона баҳолаб эканмиз, ўтган давр мобайнида биз эришган, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва марралар, авваламбор, изчил ривожланаётган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрў-эътиборининг тобора юксалиб бораётгани — буларнинг барчаси Конституциямизнинг асосига қўйилган, чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принцип ва нормаларнинг ҳаётбахш самараси, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайд.

Қисқача айтганда, биз танлаган ва "ўзбек модели" деб ном олган мамлакатимизнинг тараққиёт йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқлаб бермоқда.

Биз ўз умрини ўтаб бўлган муста-

бид, буйруқбозлик ва режали-тақсимот тизимидан қанчалик узоқлашганимиз сари, миллий тараққиёт моделимизнинг асосини ташкил этадиган тамойил ва нормаларнинг нечоғлиқ тўғри эканига бўлган ишончимиз шу қадар ортиб бормоқда.

Бу тамойиллар, биринчи навбатда, ҳаётимизни мафқурадан тўла холи қилиш, коммунистик қолип ва қарашлардан воз кечиб, қонуннинг ҳамма учун устувор бўлиши, давлатнинг бош ислохотчи ролини ўзига олиши, инқилобий эмас, аксинча, тадрижий тараққиёт йўлидан ривожланиш, яъни ислохотларни "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузман" деган принцип асосида изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш, шунингдек, кучли ижтимоий сиёсат юритиш каби қоидаларни ўз ичига олади.

Ана шу тамойилларга амал қилган ҳолда, биз ўтган давр мобайнида ҳақиқатан ҳам жуда катта тарихий ютуқларга эришдик ва бу билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

Биз эришган улкан марраларнинг энг муҳими — эски тизимдан бутунлай воз кечиб, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш йўлидан дадил бораётганимиз ва бу жараённинг ҳеч қачон ортга қайтмайдиган қатъий ва изчил тус олгандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда одамларимиз, уларнинг ижтимоий онги, ҳаётга муносабати тобора ўзгармоқда, ватандошларимизнинг сиёсий етуқлиги, юртимизда ва дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фуқаролик масъулияти, дахлдорлик ҳисси ошиб бормоқда. Ва айнан шуларнинг барчаси мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан изчил ривожланиб боришини, янги марраларни қўлга киритишимизни таъминлаётган қудратли ҳаракатланувчи куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, амалга оширган ишларимизни эътироф этган ҳолда, биз бир ҳақиқатни эсдан чиқаришга

ҳаққимиз йўқ, деб ўйлайман: **яъни, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди.**

Босиб ўтган йўлимизни ва мамлакатимизнинг дунёда содир бўлаётган туб ўзгаришлар жараёнида туганган ўрнини холис ва танқидий баҳолаб эканмиз, биз эришган ютуқларимизга маҳлиб бўлиб қолмаслигимиз, ортиқча ҳаволашиш ва хотиржамлик туйғусига берилмаслигимиз зарур. Бугун биз яшаётган глобаллашув ва тобора кучайиб бораётган рақобат асрида фақат чуқур ислохотлар ва модернизация йўлидан тинимсиз ва қатъият билан ривожланиб бориш натижасида ўз олдимизга қўйган истиқболли мақсадларга — **тараққий топган, фаровон яшаётган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга эриша оламиз.**

Парламентимиз палаталарининг шу йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида баён этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да айнан ана шу вазифалар ўртага қўйилганини таъкидлаш жоиз.

Қуйидаги масалалар бизнинг энг муҳим устувор йўналишларимизга айланиши даркор:

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштиришга қаратилган конституциявий ислохотларни янада чуқурлаштириш, яъни ҳокимиятни ташкил қиладиган Президент — давлат бошлиғи, қонунчилик ва ижро ҳокимияти ўртасида мувозанат ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, суд тизимининг мустақиллиги ва либераллашувини қувватлаш бўйича ислохотларни давом эттириш;

- ахборот соҳасида фуқаролар ва инсон ҳуқуқларининг кафолатларини, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш;

2-бет



БЕТИМСОЛ ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндлари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов йиғилишда "Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилидир" мавзусида маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда истиқлол йилларида демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида эришаётган барча ютуқларимиз, ҳаётимизга янги мазмун бағишлаётган ислохотлар замирида Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва асосий тамойиллар мужассам эканини алоҳида таъкидлади.

Эркин ва фаровон жамият қуриш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудратини, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш борасида эришаётган барча муваффақиятларимиз Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқий асосларга қатъий

амал қилиб келаётганимизнинг самарасидир.

Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларимизнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ўтган давр мобайнида халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли қўлга киритилган улкан ютуқларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Мамлакатимизнинг изчил юқори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгилиниш ва ўзгаришлар дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2010 йил — Баркамол авлод йили деб эълон қилинган эди. Бу борада махсус давлат дастури ишлаб чиқи-

либ, изчил амалга оширилмоқда.

Болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилиш, фарзандларимизни спортга кенг жалб этиш, болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртлири битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар бажарилди.

Мухтасар қилиб айтганда, фарзандларимизни XXI аср талабларига жавоб берадиган инсонлар этиб вояга етказишдек эзгу мақсад йўлидаги бундай ишлар изчил давом этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган янги — 2011 йилни мамлакатимизда «**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**» деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу таклифи йиғилганлар томонидан гулдурос қарсақлар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларининг байрам концерти билан якунланди.

/ЎЗА/

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислам Каримов 7 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонларига мувофиқ, юртимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда ўрнатилган ва намуна кўрсатган бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

Оқсарой қароргоҳида 7 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди. — Аввало, мана шу муҳташам залда тўпланиб турган сиз, азизларни халқимиз кенг нишонлаётган Конституция куни билан табриклашдан, сизларга ўзимнинг са-


мимий ҳурматини билдиришдан хурсанд эканимизни эъхор этмоқчиман, — деди Президентимиз. — Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланган инсонларни айнан ана шу байрам арафасида қўлаб, давлат мукофотларини топшириш янги бир анъанага айланди.

Эл-юртимиз олдидаги фарзандлик бурчини бажариш йўлида бутун борлигини бахш этиб, ўзининг фидойий меҳнати, муносиб хизмати билан бошқаларга ўрнатилган ва намуна бўлиб келаётган сиз каби инсонлар билан учрашиш, уларнинг қўлини сиқиб, бағримга босиб муборакбод этиш, мен учун катта бахтдир.

3-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ

ЭТТИРИШ – ТАРАҚҚИЙТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

(Давоми. Боши 1-бетда)

- демократик қадриятлар ва инсонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг амалда муҳим омилига айланиши зарур бўлган фуқаролик институтларини, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳусусан, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш; - фақат кенг миқёсли иқтисодий ислохот ва ўзгаришларни биз танлаган, ўзини амалда тула оқлаган тараққиёт моделига ҳамоҳанг равишда давом эттириш иқтисодийтаъминнинг барқарорлиги ва зарур ривожланиш суратларини, ҳаётимиз сифатини ошириш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

Ўз-ўзиндан равшанки, биз олдимизга қўётган бундай мураккаб ва улкан вазифаларни амалга ошириш учун анча вақт, балки йиллар талаб қилинади ва буни биз ўзимизга яхши тасаввур этишимиз лозим.

Мен бугунги йилдаги мазкур Концепцияда кўзда тутилган аниқ йўналишларга батафсил тўхталмоқчи эмасман.

Нега деганда, бу масалаларнинг барчаси ҳозирги вақтда оммавий ахборот воситаларида етарлича кенг ёритилмоқда ва нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида ҳам катта қизиқшиш ва эътибор билан муҳокама қилинмоқда.

Шу билан бирга, алоҳида таъкидлаш яратилган, энг мураккаб ва масъулиятли вазифа – бу Концепциянинг ўзини ишлаб чиқишдан иборат эмас, албатта. Энг асосий вазифа миз – мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш бўйича бошланган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, биз ўз олдимизга қўйган юксак тараққиёт марраларига эришиш бўйича Концепцияда белгиланган берилган, аниқ мақсадга қаратилган йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни амалга оширишнинг Комплекс дастурини, бошқача айтганда, шу йўналишдаги Стратегияни ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич жорий этишдан иборатдир.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, фаолиятимиз негизига қўйиладиган ушбу асосий принципларга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайман. **Биринчи.** Амалга оширилган ислохотларимизнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича биз танлаган йўлни мантиқий ва қонуний давоми бўлишини назарда тутган ҳолда, уларнинг узвийлиги, босқичма-босқичлиги ва изчиллигини, бошқача айтганда, тадрижийлигини сақлаш шарт.

Иккинчи. Концепцияда таклиф этилаётган ислохот йўналишлари ўзаро узвий бўлишига эга ва бир-бирини тақозо этишини ўзимиз учун аниқ ва равшан англаб олишимиз даркор.

Шу маънода, лўнда қилиб айтганда, давлат ва жамият қурилишини изчил асосда демократлаштиришдан, мустақил суд тизимини таъминлашдан туриб, бозор ислохотларини амалга ошириш ва иқтисодий эътибонли раҳбарларга ўрнатилган нормаларга риоя қилиш бўйича жавобгарлигини кучайтириш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган қўшимчалар киритилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан аҳоли, биринчи навбатда, ўқувчи ва талабаларга замонавий ахборот технологиялари асосида ахборот-кутубхона, авваламбор интернет хизмати кўрсатишнинг янада яхшилаш мақсадида “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонун биринчи ўқишда қабул қилинди.

Шулар қаторида “Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши албатта катта аҳамият касб этади. “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва истеъмол қилишнинг чеklang тўғрисида”ги қонуннинг яқин кунларда қабул қилиниши соғлом авлодни шакллантиришда, уларни болалик давридан бошлаб саломатликка пугур етказадиган зарарли одатлардан ҳимоя қилишда муҳим омили бўлишини алоҳида таъ-

кидлаш жоиз. Айтиш керакки, дастур доирасида ишлаб чиқилган “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуннинг янги тахрири лойиҳаси ушбу соҳани янада ислохот қилиш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилгани билан эътиборлидир.

Маълумки, соғлом авлод деганда, барчамиз биринчи навбатда соғлом наслини тушунамиз. Бу борада ўтган йиллар давомида “Соғлом она – соғлом бола” гоясини ўзида тужасам этган дастур асосида кенг қўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофиза қилиш, жумладан, пойтахтимиз ва вилоятларимизда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғруқ мажмуалари барпо этишга қанча куч ва маблағ сарфланганидан, ўйламанки, ҳаммангиз яхши хабардорсиз.

Биргина “Она ва бола скрининги” Давлат дастури доирасида бошқа вилоятлар марказлари қаторида Гулистон ва Жиззах шаҳарларида янги скрининг марказлари ташкил этилди. Барча минтақавий марказлар бюджет маблағлари ҳисобидан замонавий диагностика ва лаборатория ускуналари, зарур материаллар билан таъминланди.

Бу ўз навбатида қўлаб ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволашнинг юқори даражага кўтариш, болаларнинг ирсий хасталиқлар билан ва нуқсонли туғилишининг хавфини камайтириш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудларидаги замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ ва вилоятлик пунктлари ва ихтисослаштирилган марказларда деярли барча аҳоли тиббий кўрик ва ултратоғруш текширувдан ўтказилди. Бундан ташқари, ҳар ойда мунтазам равишда “Тўғри ёшдаги” аёллар, болалар ва ёш эмгакчиларнинг соғломлаштириш ҳафталиги” ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг ўзида туғруқ ёшидаги 7 миллион 800 минг аёл ва 14 ёшгача бўлган 8 миллион 500 минг бола тиббий кўриқдан ўтказилганини қайд этиш лозим.

Бу йил шу борада яна бир ибратли тажриба йўлга қўйилди. Яъни, 12 мингдан ортиқ патронаж ҳамширалари, 8 мингдан зиёд педиатр, неонатолог, акушер ва тиббиёт хамшираси хотин-қизлар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича янги технологиялар асосида таълим олиб, ўз малакасини оширди.

Маълумки, кейинги йилларда ҳомиладор аёлларни таркибида ҳаётий зарур элементлар бўлган махсус поливитаминлар билан таъминлаш ва шу орқали аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида мисли кўрилмаган профилактика тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айтиш керакки, бундай чора-тадбирлар ҳар йили 400 минг нафар ҳомиладор аёлни соғломлаштириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, ривожланишида нуқсонли бўлган болалар туғилишининг олдини олиш имконини бермоқда.

Шунингдек, юртимизда инсон ҳаёти учун хавфли бўлган бир қатор касалликлар профилактикаси бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болаларнинг 98 фоиздан ортиғи олдини олиш мумкин бўлган инфекцияларга қарши эмланмоқда.

Бунинг натижасида дифтерия, қизамиқ касалликларига чалиниш ҳолатлари кескин камайганини айтиш даркор. 2010 йилда оқумли касалликлар билан оғриш ҳолатлари, жумладан, менингокок инфекцияси 28 фоизга, эпидемик паротит 27 фоизга, вирусли гепатит 13 фоизга камайгани аша шундай тадбирлар самарасидир.

Мамлакатимизда ўтказилган яна бир кенг қўламли тадбир – полиомиелитга қарши эмлаш миллий кунлари давомида 15 ёшгача бўлган 4 миллион бола эмланди. Бизга қўшни бўлган давлатларда айнан шу масалада ноҳус вазиятлар юзага келган бир шариотда бундай тадбирлар полиомиелит билан касалланишнинг олдини олиш имконини берганини, бунинг аҳамиятини албатта барчамиз яхши англаймиз.

Бир қатор нуфузли халқаро институтларнинг баҳолашича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хо-

тин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофиза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Буни ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Балтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси томонидан оналик ва болаликни муҳофиза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда Ўзбекистоннинг минтақадаги намунавий модели сифатида эътироф этилгани ҳам исботлайди.

Оналик ва болаликни муҳофиза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш, умуман, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш мақсадида жорий йилда давлат бюджетидан жами 1 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан 30 фоиз ва 2008 йилга нисбатан 2 баробар кўп демакдир.

“Баркамол авлод йили” давлат дастурини амалга оширишда **таълим соҳасини ривожлантириш, авваломбор, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув муассасалари қуриш ва уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш** масаласига эътибор янада кучайтирилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умулмиллий дастурининг амалга оширилиши натижасида 1 минг 536 та академик лицей ва касб-хунар коллежи, умумтаълим мактабларининг қарийб 9 мингтаси, яъни, деярли ҳаммаси, 1 минг 800 дан ортиқ спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди ёки капитал реконструкция қилинди.

Ушбу ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мунтазам янгилаб бориш, тизимли асосда замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва ўқув анжумалари билан қайта жиҳозлаш, уларни талаб даражасида сақлаш ҳамда яратилган бу улкан салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида мулкка янги бир тузилма – Молия вазирлиги ҳузурида махсус жамғарма ташкил этилди.

Бу жамғарманинг ҳисоб рақамига 2010 йили 315 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, 2011 йилда 370 миллиард сўм ажратилиши бизнинг кўп умидларимизга асос қўлади.

Жорий йилда Тошкент шаҳрида Турин политехника университети-нинг янги, замонавий ўқув комплексининг барпо этилгани биз учун қанчалик катта аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳаётининг олий ўқув юрти мамлакатимизда жадал ривожланиб бораётган автомобиль саноати ва бошқа тармоқлар учун юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган маскан бўлиб хизмат қилади.

Шу давр мобайнида кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилди, олий таълим бакалаврият босқичининг 50 та йўналиши ва магистратура босқичининг 74 та мутахассислиги унификация қилинди, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларининг янги классификаторлари жорий этилди.

Дастур доирасида 2010 йилда 560 та етакчи кластер мактаблари қиймати қарийб 6 миллион АҚШ доллари бўлган 13 минг 500 та компьютер техникаси билан таъминланди, 750 дан ортиқ қишлоқ мактаби замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва мультимедиа воситалари билан жиҳозланди, 1,5 мингта қишлоқ мактаби ўқитувчилари умумий қиймати қарийб 13 миллион АҚШ доллари бўлган 3 минг 400 та шахсий компьютер билан таъминланди.

Айни пайтда мамлакатимиздаги барча, яъни 12 мингдан ортиқ таълим муассасалари, илмий ва маданий-маърифий ташкилотлар 25 мингдан зиёд ўқув материаллари ва ресурсларни ўз ичига олган Таълим порталига ўланди. Бу масофадан туриб ўқитиш усулларини таълим тизимига кенг жорий этиш, ўқувчи ва ёшларга бошқа хил ахборот-коммуникация хизматлари кўрсатиш имконини бериши билан айниқса аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникациялар, интернетни нафақат мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларига, балки ҳар бир оилага

жорий қилиш ҳаракатлари бугунги кунда тобора кучайиб бормоқда. Айнан замонавий алоқа ва ахборот технологиялари тизимини кенг қўламли ривожлантириш мамлакатимиз ва жамиятимизнинг тараққиёт даражасини кўрсатадиган мезонлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Жорий йилда бу борада амалга оширилган ишлар натижасида бугунги кунда юртимизда 6 миллион киши интернетдан фойдаланмоқда, уларнинг ярмини мобил алоқа орқали интернетдан фойдаланувчилар ташкил этади.

2010 йилда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида кўп дастурли телевизион каналларни тарқатиш хизматларининг сифатини ошириш, халқаро ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича мутлақо янги имкониятлар яратадиган замонавий рақамли телевидение ишга туширилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Азиз юртодшлар! Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар бир шахар ва қишлоқда замонавий талабаларга жавоб берадиган, зарур анжумалар билан жиҳозланган спорт майдончалари, иншоот ва мажмуаларни барпо этиш бўйича амалга ошираётган ишларимиз ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Шуни мамуният билан айтиш керакки, истиқлол йилларида юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилиб, уларнинг мингдан ортиғи қишлоқ жойларда қурилди. Бу эса 260 минг нафардан зиёд боланинг спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланиши учун имконият яратди.

Қиз болаларни, энг аввало, қишлоқ қизларини спорт билан шуғулланишга жалб этишда жорий йилда сезиларли натижаларга эришилди. «Спорт ҳаётдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак» деган шиордан келиб чиққан ҳолда, кам таъминланган оилаларнинг 120 минг нафар қизлари учун 3 миллиард 500 миллион сўмлик спорт кийими ва жиҳозлари харид қилинди.

Яна бир муҳим ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Мамлакатимизда баъдий гимнастикани ривожлантириш дастури қабул қилинган, спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланадиган қизлар сонини шу йилнинг ўзида 6-7 баробар, айрим вилоятларда эса 10-12 баробар ортди.

Бу борада ёрқин бир мисолни келтиришни ўринли деб биламан. Қуни кеча Хитойда якунига етган ўн олтинчи ёзги Осиё ўйинларида баъдий гимнастика бўйича қизларимиз ўз истеъдод ва маҳоратини намойён этиб, Осиё қитъаси вакиллари орасида шарафли иккинчи ўринни эгаллагани мамлакатимизнинг спорт ҳаётида мисли кўрилмаган қувончли воқеа бўлди.

Шу маънода, бу йил ўтказилган 42 та халқаро мусобақада юртимиздан иштирок этган 500 нафардан зиёд ёш спортчининг ундан бир қисмини қизлар ташкил этгани айниқса эътиборлидир.

Маълумки, шу йил ёзда Сингапурда бўлиб ўтган биринчи ўсмирлар Олимпия ўйинларида спортчи ёшларимиз муносиб қатнашиб, 9 та медалини қўлга киритди. Юқорида зикр этилган Осиё ўйинларида эса Ўзбекистон спортчилари нафақат қитъаси, балки дунё миқёсида ҳам тан олинган қудратли давлатларнинг вакиллари билан кескин беллашувларда 11 та олтин, 22 та кумуш, 23 та бронза медалини қўлга киритди, умумжамоа ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллаб, кучли ўнликдан жой олишга эришди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, халқаро майдонларда Ватанимиз шон-шухратини бутун дунёга тараннум этаётган истеъдодли ёш спортчиларимиздан айримларининг номларини хурмат билан тилга олишдан мамнуман.

Кўзга кўринган спортчиларимиздан Ришод Собиров, Рустам Қосимжонов, Владимир Тўйчиев, Вади Меньков, Дилшод Мансуров, Юлия Тарасова, Артур Таймазов, Элшод Расулов, Светлана Радзивил, Сергей Мирбеков, Герасим Кочнев, Сергей Борзов, Алексей Бобохонов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов каби ёшларимиз Осиё ўйинларида олтин медал соҳиб бўлдилар.

Айниқса, Тошкент давлат жисмоний тарбия институтининг талабаси, каноэда эшак ашии бўйича икки карра жаҳон чемпиони Вади Меньков халқимизнинг ҳақиқий ифтихори

рига айланди. Бу истеъдодли спортчимиз 2010 йилда ўз йўналиши бўйича дунёнинг энг яхши спортчиси деб тан олди.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, Ўзбекистон терма жамоасининг 2012 йили Лондонда ўтадиган Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этишига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Футбол бўйича Осиё чемпионатида ажойиб ўйин намойиш этган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси келгуси йили Мексикада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳам ўз маҳоратини кўрсатишига ишонамиз.

Аргентинада бўлиб ўтган ампутант-ногиронлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионатида иккинчи мартаба чемпиони уюннига сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳақиқий жасорат ва фидойилик кўрсатиб, ўзларининг метин ирродасини намойиш этди.

Шулар ҳақида гапирар эканман, ўз ҳаётини спортга бағишлаб, жаҳон ва қитъа мусобақаларида Ўзбекистон баяроғини банд кўтариб келаётган барча мард ва жасур спортчиларимизга чукур миннатдорчилик билдириб, катта ғурур ва ифтихор билан уларга янги-янги зафарлар тилашга руҳсат бергайсиз.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг яна бир устувор йўналишига батафсил тўхталиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман. Бу ўринда гап ёшларимиз ўзлари эгаллаётган энг замонавий билим ва қўникмаларни амалда жорий этиш учун **касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлиари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига кенг жалб қилиш ҳақида бормоқда.**

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятга жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони муҳим қадам бўлди. Шулар қаторида битирувчиларга ўз бизнесини ташкил этиши учун имтиёзли кредитлар бериш бўйича банкларимиз томонидан амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга сазовордир.

Яна бир муҳим масалани қайд этиб ўтмоқчиман. Ҳозирги кескин рақобат шариотида **инновацион технологиялар ва илм-фани янада ривожлантириш, иқтисдорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга.**

Бу масалага устувор аҳамият бермасдан туриб, тараққиёт ҳақида сўз юритиб бўлмамлигини барчамиз яхши тушунамиз, албатта. Бугун замонанинг ўзи ушбу масалани сибсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилашни тақозо этмоқда.

Яқинда олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатнинг моҳияти шундан иборатки, илмий кадрлар тайёрлашнинг аспирантура ва докторантура каби эскирган шакллари ўрнига мамлакатимиз олий ўқув юртлиари ва илмий-тадкиқот муассасаларида стажёр-тадкиқотчи-изланувчилар катта илмий ходим-изланувчилар институтини жорий этилди.

Энг муҳими, уларни рағбатлантириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида стажёр-тадкиқотчи-изланувчиларнинг лавозим маоши стажёр-тадкиқотчилар лавозим маошининг базавий миқдорига, катта илмий ходим-изланувчилар лавозим маошининг ҳажми эса фан номзоди унвонига эга бўлган катта илмий ходимларнинг маошига тенглаштирилди. Бу амалда ушбу тадкиқотчилар ш ҳақининг 1,6 баробар кўпайишини англатади.

Дастурнинг принципиал аҳамиятга эга бўлган яна бир йўналиши ҳусусида, яъни мамлакатимизда амалга оширилётган **оилани мустаҳкамлаш, ёш оилалар ҳақида гам-хўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги кенг қамровли ишларни давом эттириш ҳақида** қисқача тўхталмоқчиман.

(Давоми 3-бетда)

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎҚУВ-СЕМИНАР

ПАРТИЯ КАДРЛАРИ САЛОҲИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ

БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

Мамлакатимиз мустақиллик даврида дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлди. Юртимизда демократик ўзгаришлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар халқроқ миқёсда эътироф этилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”** мавзусидаги маърузаси юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада ривожлантириш ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнига муносиб баҳо бериш билан биргаликда сиёсий партиялар зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклайди.

ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси билан ҳамкорликда **“Ўзбекистон давлат бошқарувини демократлаштиришни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида”** мавзусида партиянинг



мажлисидаги нутқида илгари сурилган жамиятимиз ривожининг кафолатлари, Юртбошимизнинг 2010 йил 12 ноябрда Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни**

устувор йўналишлари” мавзусида ҳам алоҳида машғулотлар олиб борилди. Бу эса раҳбар кадрга нисҳоятда зарур бўлган музокара юритиш техникаси, нутқ тайёрлаш ва ижро этиш маҳорати, мулоқот технологиялари, вақтни бошқариш иқтидори ва усуллари, бошқарув тизимида иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ва сир-асрорларини эгаллашда ҳам назарий, ҳам амалий билим ва кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари иштирокчилар мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари юзасидан ҳам бир қатор маърузалар тингладилар.

Ўқув давомида тингловчилар барча мавзулар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни, қарорлар қабул қилишдаги роли ортиб бораётганини таъкидлашди. Бу жараёнда эса партия кадрларининг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан етуқлиги ва зарур малакага эга бўлиши муҳим омил сифатида эътироф этилди. Шу боис, бу каби ўқувларнинг аҳамияти ва зарурати янада ортаётганлиги таъкидланиб, Ўзбекистон **“Миллий тикланиш”** демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан ушбу ўқувларни мунтазам ўтказиб боришга келишиб олинди.

Биз ўқув жараёнида тингловчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва таассуротлари билан қизиқдик.

Ҳабибулло РУСТАМОВ, ЎзМТДП Кува тумани кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:
— Мазкур ўқув-семинарида партия ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш, ҳуқуқий, маърифий, иқтисодий ва сиёсий билимларимиз даражасини ошириш, шу билан биргаликда партия ғоя ва дастурларини

тарғиб этишнинг янги услуб ва шакллари ўргандик. Шунингдек, Юртбошимизнинг Парламент палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузаларида сиёсий партиялар олдига қўйган вазифаларга ҳам алоҳида



эътибор қаратилди. Ҳар томонлама пухта уйланган ва жамиятнинг барча жаҳасига бирдек таъсир этадиган Концепция мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган вазифаларни бажариши-мизда дастуримал бўлади.

Фарҳоджон БОЗОРОВ, ЎзМТДП Андижон вилояти кенгаши Ижроия қўмитаси Девон раҳбари:
— Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётган экан бу каби семинарлар фаолиятимизда ҳар жиҳатдан асқотиши шубҳасиз. Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма маж-

лисидаги маърузасида сиёсий партиялар олдига бир қатор долзарб вазифалар турганлигини таъкидладилар. Бу ўз навбатида маҳаллий кенгашлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Ушбу вазифаларни бажариш жараёнида биринчи навбатда таъсирчан тадбирларни кўпайтиришимиз, аҳоли ичига янада кенг ва чуқурроқ кириб боришимиз, ўз сафимизга фаол ёшларни жалб қилишимиз лозим. Бугунги ўқув-семинардан олган билимларимиз асосида Концепцияда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб вилоят кенгашининг махсус дастурини тузишга келишиб олдик.

Муҳаббат АЛИБОВЕВА, ЎзМТДП Балиқчи тумани кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:

— Ўқув-семинарда фуқаролар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришда қандай технология ва усуллардан фойдаланиш кераклигини ўргандик. Албатта, буборада “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарини раҳбар фаолиятидаги ўрни” мавзусида қилинган маъруза муҳим аҳамият касб этди. Ўқув-семинарда фаолиятимиз учун зарур бўлган маълумотлар олиш билан бирга партия ташкилотлари маҳаллий кенгашлари олдига қўйилган вазифалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашдик. Олган билимларимиз аҳоли ичига янада чуқурроқ кириб боришимизга хизмат қилиши шубҳасиз.

Икромжон КАРИМОВ, ЎзМТДП Янгиариқ тумани кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:

— Ўқув-семинар бизга аввало ўз

устимизда янада кўпроқ ишлашимиз лозимлигини ўргатди. Маълумки, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида халқ хоҳиши-иродаси муҳим масала ҳисобланади. Бу эса сайловлар ва референдумлар воситасида амалга оширилади. Мамлакатимизда бу борада аниқ механизм йўлга қўйилган, яъни сайловга оид демократик талабларга тўлиқ жавоб берадиган қатор қонулар қабул қилинган. Концепцияда ушбу механизмнинг янада мукамал бўлиши, сиёсий партиялар фаолиятини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Ўқув-семинар биз учун ҳар жиҳатдан фойдали бўлди, деб ўйлайман.

Камолдин ҲОТАМОВ, “Milliy tiklanish” мухбири



Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳамда туман кенгашлари раҳбарлари учун ўқув-семинар ташкил этди.

Бир ҳафтага мўлжалланган ўқув машғулоти партия фаолиятини янада такомиллаштириш, кадрлар потенциалини кучайтириш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маърифий ҳамда иқтисодий билимларини ошириш, партия мафкураси ва ғоясини тарғиб этишнинг янги услуб ва ёндашувларини жорий этиш мақсадида ўтказилди.

Семинарда тингловчиларга Президентимиз Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарининг раҳбар фаолиятидаги ўрни, Давлатимиз раҳбарининг БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи

янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” мавзусидаги маърузасида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган сиёсий партиялар олдигаги вазифалар, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг “Жаҳон молиявий инқирози: Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари” асарининг мазмун-моҳияти ҳақида кенг тушунчалар берилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик жараёнларнинг янада чуқурлашиб боришида сиёсий партиялар муҳим ўрин тутди. Шу боис, ўқув курси тингловчилари эътиборига Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларига доир бир қатор маърузалар ҳавола этилди. Шунингдек, ўқув давомида “Бошқарув маҳоратини юксалтиришнинг

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

Мамлакатимиз жамоатчилиги сиёсий партиялар газеталари саҳифаларида партияларо кураш ва рақобат кучайиб бораётганлигига гувоҳ бўлиб туришибди. Ғоялар ва дастурлар кураши партиялар фаолияти учун хос ва табиий жараён. Ана шу жараённи ёртишда, умуман партиянинг дастурий мақсад ва ғояларини кенг орасида тарғибот-ташвиқот қилиш, партия депутатлик бирлашмалари фаолияти билан сайловчиларни таништириш ҳамда партиянинг позициясини химоя қилишда партия матбуоти муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари газета партиянинг таъсирчан мафкуравий-ғоявий қуроли бўлиб, партия электорати сафини мустаҳкамлаш, хайрихоҳлар сонини кўпайтиришда етакчи роль ўйнайди.

Айни кунларда 2011 йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна қизгин паллага кирган. Обу-

на муштарийнинг талаб истаклари билан эркин амалга оширилмоқда. Бу борада ЎзМТДП

МАСЪУЛЛИК ТҮЙҒУСИ БЎЛМАСА

ИШДА ИЗЧИЛЛИК БЎЛМАЙДИ

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Наманган вилоят, Девон туман кенгашлари ибрат кўрсатмоқдалар. ЎзМТДП Сирдарё, Фарғона, Жиззах вилоят кенгашлари етакчилари партия газетаси аҳамиятини етарли даражада англаб етмаётдилар. Ушбу вилоятларда оддий партия аъзолари нари турсин, ҳатто айрим туман ва шаҳар партиялар ўртасида обуна маълумоти билан танишар эканмиз, қаерда партия ташкилотлари фаолияти тўғри ташкил қилинган, партия етакчилари ўз вазифаларига масъулият билан ёндашаётган бўлса, ўша жойда обуна мавсуми ҳам кўнгилдагидек кечаётганлигига гувоҳ бўламиз.

Бироқ, айрим вилоят партия кенгашлари бундай муҳим тад-

бирга масъулиятсизлик билан ёндашмоқдалар. ЎзМТДП Сирдарё, Фарғона, Жиззах вилоят кенгашлари етакчилари партия газетаси аҳамиятини етарли даражада англаб етмаётдилар. Ушбу вилоятларда оддий партия аъзолари нари турсин, ҳатто айрим туман ва шаҳар партиялар ўртасида обуна маълумоти билан танишар эканмиз, қаерда партия ташкилотлари фаолияти тўғри ташкил қилинган, партия етакчилари ўз вазифаларига масъулият билан ёндашаётган бўлса, ўша жойда обуна мавсуми ҳам кўнгилдагидек кечаётганлигига гувоҳ бўламиз.

Бироқ, айрим вилоят партия кенгашлари бундай муҳим тад-

дики, партия ҳаётининг барча қирралари бир-бири билан боғлиқ. Биргина обунанинг аҳолига қараб ҳам партия ташкилоти ва унинг раҳбарлари фаолиятига баҳо берса бўлади.

Гап ҳозир барча даражадаги партия ташкилотлари ва уларнинг раҳбарлари ҳамда депутатларимизни обуна бўлиши ҳақида кетмоқда. Оддий фуқаро ўзи истаган газета ёки журналга обуна бўлиши мумкин. Лекин, ҳар бир партия ташкилотиде ҳар жиҳатдан асқотиши шубҳасиз. Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма маж-

лисидаги маърузасида сиёсий партиялар олдига бир қатор долзарб вазифалар турганлигини таъкидладилар. Бу ўз навбатида маҳаллий кенгашлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Ушбу вазифаларни бажариш жараёнида биринчи навбатда таъсирчан тадбирларни кўпайтиришимиз, аҳоли ичига янада кенг ва чуқурроқ кириб боришимиз, ўз сафимизга фаол ёшларни жалб қилишимиз лозим. Бугунги ўқув-семинардан олган билимларимиз асосида Концепцияда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб вилоят кенгашининг махсус дастурини тузишга келишиб олдик.

Дилфуза РЎЗИЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

168 СОАТ: ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

ТАДБИРЛАР

ПАРТИЯ ҒОЯ ВА ДАСТУРИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

ФАРҒОНА. ЎзМТДП Марғилон шаҳар кенгаши томонидан “Оила мустаҳкамлиги ва ёш авлод тарбиясида аёллар ҳамда маҳалланинг ўрни” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Уни ЎзМТДП Марғилон шаҳар кенгаши раиси Шухрат Мадраҳимов олиб борди. Тадбирда ўсиб келаётган ёш авлод маънавияти ва дунёқарашини юксалтириш, оила мустаҳкамлигини таъминлашда ота-онанинг, айниқса аёлларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Давра суҳбатида шаҳар Кенгаши томонидан бу борада амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштиришга эътибор қаратилди.

СУРХОНДАРЁ. ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” ташаббуси билан “Биз буюк юрт фарзандларимиз” мавзусида ўтказилган маданий тадбир ёшларнинг сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий онгини ошириш орқали уларнинг мамлакатимиздаги ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантиришга қаратилган “Ёш сиёсий билимдонлар” клубининг очилиш маросими билан бошланди. Тадбирда вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” ташаббуси билан ўтказилган “Мен Ватанга нима бердим?” ҳамда “Мустақиллик менга нима берди?” мавзусидаги иншоолар танловининг ғолиблари тақдирланди. Шунингдек, тадбирда “Ёшлар қаноти”нинг ижодкор аъзолари томонидан тузилган “Сурхоним сулувлари” рақс гуруҳининг чиқиши ва “Миллий либослар — ёшлар нигоҳида” мавзусидаги либослар кўргазмаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Илгиланган “Ёшлар қаноти”нинг фаол аъзоларига фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари топширилди.

ЖИЗЗАХ. ЎзМТДП Зомин туман кенгаши, туман Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда “Оила мустаҳкамлигини асраш ва ёш авлод тарбиясида аёлларнинг ўрни” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда тадбир ташкилотчилари, бир гуруҳ талаба-ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Тадбирда сўзга чиққанлар жамият таракқиётида оиланинг ўрни муҳим эканлиги, ёшларни миллий анъаналаримиз ва Ватан тараққиётига хизмат қиладиган қомил шахслар этиб тарбиялашда аввало маъна соғлом оила муҳитини юзага келтириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

ҲОРАЗМ. ЎзМТДП Урганч туман кенгаши ташаббуси билан Галаба ҚВПда “Биз ОИТСга қаршимиз” мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди. Унда иштирок этган партия туман кенгаши фаоллари, мутасадди ташкилот вакиллари мазкур хасталикнинг жамият, хусусан ёшлар ҳаётига салбий таъсири ҳақида тўхталдилар. Мазкур иллатга қарши курашиш, соғлом ҳаёт тарзини қарор топтириш бора-бора мутахассислар томонидан билдирилган фикрлар барчада катта қизиқиш уйғотди.

ЎзМТДП Қўшқўпир туман кенгаши томонидан “Ижодкор ёшлигим менинг” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда туман кенгаши аъзолари, “Камолот” ЁИХ туман кенгаши вакиллари ҳамда бир гуруҳ ёшлар иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар “Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан ижодкор ёшларни излаб топиш ва рағбатлантириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига эътибор қаратилди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ТАНКИДИЙ ТАҲЛИЛ

ҚОНУН УМУММАНФААТГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Ёхуд ЎзЛиДеПнинг "Ўзгача" позицияси

Президентимизнинг жорий йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" деб номланган маърузаси юртимизда фаолият кўрсатаётган мавжуд сиёсий партияларнинг масъулиятини янада ошириш ва фаолликни кучайтириш борасида ниҳоятда долзарб аҳамият касб этган муҳим дастуриламалдир. Юртбошимиз мазкур чиқишларида таъкидлаганларидек: "Айни вақтда шуни унутмаслигимиз керакки, мазкур ислохотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки, биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етуқлик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир".

Дарҳақиқат, бугун жамиятимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора мустаҳкамлашиб бормоқда. Бу жараён Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялар ўртасида кечяётган сиёсий баҳсларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни муҳокама этиш ва қабул қилишда ҳар бир сиёсий партия ўз позицияси-

олиш жойларида тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз бўлишига мазкур муассасаларнинг раҳбарлари ёки бошқа масъул шахслари томонидан йўл қўйиш — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан бири беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган эди.

Мазкур қонун лойиҳасини миллий тикланишчилар қониқиш билан қарши олишди ҳамда уни янада такомиллаштириш, маромига етказиш юзасидан бир нечта амалий таклифларни билдиришди. Бойси, ёш авлоднинг ҳар томонлама етуқ, маънан соғлом, жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш, бир сўз билан айтганда, комил шахс сифатида вояга етказишда унинг аҳамияти беқиёс эканлиги айни ҳақиқат. Бу эса, партияимизнинг Ҳаракат дастурида кўзда тутилган мақсадлар билан уйғун ва ҳамоханг. Зеро, мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир паллада, қолаверса, "Баркамол авлод йили"да фарзандларимиз тарбиясига ижобий таъсир этувчи мазкур қонуннинг қабул қилиниши айни муддаодир.

Бироқ, бизни таажжубга солган жиҳати, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партияси фракциясининг айрим вакиллари қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида масалага умумманфаатларимиздан келиб чиқиб эмас, балки унга зид томондан ёндашдилар. Уларнинг иттифоқи эътиборига, амалдаги қонунчиликда машинани маст ҳолда бошқарган ҳайдовчига биринчи марта энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача жарима белгилангани ҳолда мазкур қонун лойиҳасида тадбиркорга ёки тадбиркорлик субъектига юқорида қайд этилган ҳуқуқбузарлик учун энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан беш бараваригача жарима солиш мантиққа тўғри келмасмиш. Ажабо, бу ўринда ЎзЛиДеПчилар мазкур қонун лойиҳасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий-ҳавфлилик даражаси қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида наҳотки обдон ўйлаб кўришмаган бўлса?!

Ахир, бугун шиддат билан кечяётган глобаллашув жараёнида биз учун ёш авлод тарбияси ҳам муҳимроқ яна нима бор? Биз ҳозир нафақат ёшларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, балки уларни турли кўринишлардаги маънавий-ахлоқий таҳдидлар, жумладан, кашандалик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, зўравонлик сингари салбий иллатлар таъсиридан асраш, шунингдек, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз ҳам қарз,

ҳам фарз эмасми? Қолаверса, ёш авлоднинг миллий, маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдонлиги, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялаш барчамизнинг яқдил нијатимиз эмасми?

ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари муҳокама жараёнида яна бир асосиз эътироз билдиришди. Яъни, бола тарбияси учун тадбиркор эмас, ота-она жавобгар эмиш. Шунинг учун улар қонунда тадбиркорни эмас, ота-онани маъмурий жавобгарликка тортувчи норма белгиланиши лозим, деган фикрни олға суришди. Ваҳоланки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг "Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик" деб номланган 47-моддасида ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши учун маъмурий жавобгарлик белгиланганидан наҳотки ЎзЛиДеП фракциясининг айрим депутатлари бе-хабар бўлишса?

Яна бир мулоҳаза. Тўғри, фарзанд тарбияси учун биринчи навбатда ота-она масъул. Аммо, ҳақимизда топиб айтилган пурмаъно бир нақл ҳам бор: "Бир болага етти маҳалла ота-она". Демак, келажакимизни белгилувчи ёш авлод тарбиясига ҳеч биримизнинг лоқайд қарашга ҳақимиз йўқ. Шу маънода, юқоридаги каби келажакимиз эгаларининг истиқболига ҳизмат қилувчи қонунларни инкор этишдан аввал, етти ўлчаб, бир кесилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси депутатлари "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ҳар тарафлама ёқлаб, қатъий қўллаб-қувватлашди. Фракцияимиз вакиллари

ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари муҳокама жараёнида яна бир асосиз эътироз билдиришди. Яъни, бола тарбияси учун тадбиркор эмас, ота-она жавобгар эмиш. Шунинг учун улар қонунда тадбиркорни эмас, ота-онани маъмурий жавобгарликка тортувчи норма белгиланиши лозим, деган фикрни олға суришди.

мазкур ҳужжатнинг бугунги давр учун нақадар кераклигини ЎзЛиДеП вакиллари аниқ мисоллар билан узил-кесил исботлаб беришди. Натижада Қонун қабул қилиниши ва эндиликда умумманфаатларимиз йўлида хизмат қилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бизнинг фракцияимиз аъзолари парламентдаги фаолияти мобайнида партияимиз белгилаб олган гоя ва мақсадлардан келиб чиқиб, ўз позицияларини фаол ҳимоя қилиб боравердилар. Бу йўлда бошқа сиёсий партиялар билан ҳар қандай рақобатга тайёрмиз.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
ЎЗМТДП
фракцияси аъзоси

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҲН



КОНСТИТУЦИЯ — ТАЪЛИМ ДЕМОКРАТИЯСИ КАФОЛАТИ

Инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва адолатли очиқ демократик жамиятни шакллантиришни ўзининг конституциявий мақсади деб билган Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз раҳбарлигида мазмун-моҳиятига кўра мутлақо янги кўринишдаги таълим-тарбия тизимини яратишга киришиб, уни давлат сиёсати даражасига кўтарди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро конституциявий мақсадни амалга ошириш, халқ ва давлатни миллий тараққиётнинг тамоман янги сифат босқичига олиб чиқишнинг энг ишончли ва кафолатли йўли Ислом Каримов таъбири билан айтганда, билим ва тафаккурдир.

Дарҳақиқат, маънавий-маърифий, тарбиявий-ахлоқий омилларни ўзида мужассам этган билим ва тафаккур давлат ва жамият равнақи ҳамда уларнинг истиқболи учун бундан бунён ҳам беш мезон бўлиб қолаверди. Чунки билим ва тафаккурсиз бирон-бир давлат, бирон-бир жамият ўз олдига турган эзгу мақсадларга эришиши қийин. Демак, давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг асосий йўли замонавий билим ва таълимга эга бўлган, ташаббускор, фидойи, етуқ мутахассис кадрларни тайёрлашдан иборатдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "бизнинг келажакимиз, мамлакатимизнинг келажак учун нақадар кераклигини ЎзЛиДеП вакиллари аниқ мисоллар билан узил-кесил исботлаб беришди. Натижада Қонун қабул қилиниши ва эндиликда умумманфаатларимиз йўлида хизмат қилмоқда.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадур" деган сўзлар билан ифода этилган. Қомусимизнинг 43-моддасида "Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди", 37-моддасида "Эркин касб танлаш" ҳуқуқига эга ҳар бир шахсга "илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат ва жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига рағбат қўлади" (42-модда) дейилганини давлатимизнинг нафақат инсонпарварлигини, балки таълимнинг бош ҳимийси эканлигини ҳам ёрқин кўрсатиб турибди. Маълумки, давлатнинг қудрати, тараққиёт даражаси фуқароларнинг интеллектуал салоҳиятига, билим ва таълимга эришишига боғлиқ. Бу тарихий ҳақиқат. Кадрлар етуқ ва баркамол давлатга ҳар томонлама тараққий этиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи айтиб турибди. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, давлатимизда таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, замонавий рақобатбардор кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор билан ёндашилди. 1997 йилнинг 29 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX-сессиясида янги тахрир-

даги "Таълим тўғрисида"ги ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши миллий кадрлар тайёрлашнинг замонавий шаклини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга кенг имконият яратди.

Қонунда таъкидланганидек, таълим-тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги, таълим стандартлари доирасида билим олишнинг барчага очиклиги, таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш каби қондаларнинг муҳрлаб қўйилганлиги унинг давлатимиз ижтимоий тараққиёт соҳасида устувор деб эълон қилинганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Жинси, тили, ирки, миллати, ёши, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, яшаш жойи, ҳаттоки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақтдан буён яшаётганлигидан қатъий назар ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқ кафолатланиши, бошқа давлатлар фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, шунингдек, юртимизда яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқлиги Қонунда акс этганлиги унинг инсонпарвар ва демократик хусусиятга эга эканлигидан далolat беради.

Қонуннинг 4-моддасига биноан билим олиш ҳуқуқи давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурларига биноан бепул ўқитиш, таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-ҳунар ўргатиш, барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртлирига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши белгилаб қўйилганлиги фикримизнинг далилидир. Шу ўринда педагогик фаолият билан боғлиқ масала ҳақида ҳам фикр юритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Қонуннинг 5-моддасида педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи тегишли маълумоти, касбий тайёрлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахсларга берилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса таълим берувчидан энг аввало маънавий-ахлоқий ва илмий жиҳатдан етуқ, яъни таълим-тарбия тизими талабларига тўла тўқис жавоб беришни талаб қилади. Педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга айнан ана шу сифатларни янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш давлатимизнинг диққат марказида турганлиги ва замонавий шарт-шароит яратиш берилганлиги соҳа ривожига катта ҳисса қўшмоқда.

Айниқса, кейинги ўн-ўн икки йил мобайнида мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси, фидокорона саъй-ҳаракатлари билан таълим соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қилинган кенг ўламли ташкилий-амалий ва маънавий-маърифий ишлар натижалари бугун буй-баста ила намоён бўлиб, қалбларимизни фаҳр ва ифтихор туйғуларига тўлдирмоқда. Айнан шу даврда "1394 та касб-ҳунар коллежи, 142 та академик лицей, 9772 та мактаб, ўнлаб олий ўқув юртлири янгидан бунёд этилгани, реконструкция қилингани ва капитал таъмирланганининг ўзи тарихимизда илгари ҳеч кўрилмаган улкан ҳодиса" бўлди десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Бу — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрда эълон қилинган "Таълим-тарбия ва Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлоднинг вояга етказиш тўғрисида"ги фармонида асосан соҳани замон талаблари даражасида ривожлантириш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини яратиш, эртанги кунимиз учун баркамол, етуқ ва салоҳиятли авлоднинг тарбиялашдек юксак вазифалар босқичма-босқич амалга оширилиб, конституциявий демократик таълимнинг асосида ҳаётга изчил таътиқ этилаётганлигининг ҳаётий намунаси.

Нуриддин ОЧИЛОВ

ЖАРАЁН

БОЛАЛАР СПОРТИ

Жорий йил 11 март куни Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг навбатдаги Ҳомийлик кенгаши йиғилишида муҳтарам Президентимиз томонидан қизлар спортини янада ривожлантиришга, хусусан, улар ўртасида бадий гимнастика спорт турини кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланган эди.

МАҲОРАТ САБОҚЛАРИ



ҳокимлиги томонидан мазкур гимнастика зали керакли спорт жиҳозлари ва мусиқа маркази тўплами билан таъминланди.

Мазкур спорт мажмуасида спорт гимнастикаси, бадий гимнастика ва спорт акробатика турларидан 1000 нафарга яқин ўқувчи-ёшларни спортга жалб этиш имконияти яратилди.

Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва Ўзбекистон Гимнастика федерацияси билан ҳамкорликда жорий йилнинг 3-4 декабрь кунлари Андижон вилоятидаги Олимпия захиралари гимнастика спорт мактабида бадий гимнастика спорт мусобақаси ва семинар ташкил этилди. Ушбу тадбирга таниқли спортчилар Осие биринчилиги, Осие ўйинлари голиб ва совриндорлари билан маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Ушбу соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш ҳамда мавжуд имкониятлардан фойдаланишни янада кучайтириш юзасидан Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва Ўзбекистон Гимнастика федерацияси билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда биргина Андижон вилоятидаги 50 нафардан ортиқ мураббийларга семинарлар ташкил этилди ва гимнастиканинг бошланғич машғулотларини ўтказиш бўйича сабоқлар берилди.

2010 йилда Андижон "Биокимм" АЖ ҳомийлигида, "Моналит плюс" МЧЖ қурувчилари томонидан 800 млн. сўмга яқин маблағ сарфланиб, Андижон шаҳридаги Олимпия захиралари гимнастика спорт мактаби қайтадан таъмирдан чиқарилди ва янги бадий гимнастика зали қурилди.

Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Андижон вилояти

МАВСУМ

Содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилар эканмиз, ҳар бир ёнғин ўз-ўзидан эмас, балки инсонларнинг лоқайдлиги ва бепарволиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасликлари ёки бўлмаса болаларнинг

ЛОҚАЙДЛИК КЕЛТИРАР ТАШВИШ

назоратсиз қолдирилиши натижасида содир бўлгани аёнлашади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, соҳа ходимлари доимий равишда ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида хонадонларда бўлиб ёнғинга сабаб бўлувчи ҳолатларни аниқлашга, аҳоли билан ҳамкорликда ушбу камчиликларни вақтида бартараф этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Энг муҳими, ана шу камчиликлар нималарга олиб келиши мумкинлигини оддий мисоллар ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қилаёмиз.

Юз бераётган ёнғинлар аксарият ҳолларда ўқувсизлик оқибатида содир этилмоқда. Ҳар бир инсон газ ёки электр ускуналаридан лоқайдлик билан фойдаланса, бунинг оқибати ёнғин билан тугаши тайин. Турар-жойларнинг ёнғинга қарши ҳолатини доимо назорат қилиш барчамизнинг масъулиятли вазифамиз бўлмоғи керак. Чунки ёнғин офат келтиради, яқинларингиздан жудо қилади. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган фуқаролар эса ўт балосига йўлиқмайди, уйларидо доимо тинчлик, хурсандчилик ва барака бўлади.

Даврон ҚОДИРОВ,
Яккасарой ТИИБ ЁХБ
инспектори

ГУРУП

МАТОНАТЛИ ЙИГИТЛАР ИБРАТИ

Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасини кутиб олиш учун «Тошкент» халқаро аэропортига кўллаб юртдошларимиз — ЎФФ президенти Мираброр Усмонов, ЎФФ бош котиби Сардор Раҳматуллаев ва бошқа мутахассислар, ОАВ вакиллари, мухлислар ва футболчиларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари чиқишди. Қаҳрамонларнинг VIP залидан чиқиб келиши ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Миллий чолғу асбобларимиз садолари остида жаҳон чемпионлари кутиб олинди. Уларнинг кўлларидоги чемпионлик кубоги, кўкракларини безаб турган олтин медаллар кутиб олиш маросимига ўзгача шукҳ бериб турди. Футболчилар ўз яқинлари билан кўришиб улгуришмасдан, ОАВ вакиллари уларни саволларга кўмиб ташлашди.

Абдуҷамил ШУКУРОВ (жамоа сардори):
— Мусобақага жўнаб кетиш олдида куръа натижаларига кўра, «Улим гуруҳи»дан жой олганмиз дея айтиб ўтгандим. Бу гуруҳдан чиқиб, кейинги босқичда «ажал гуруҳи»га тушдик. Бу ерда бизни Бразилия, Россия ва Англия терма жамоалари кутиб турган эди. Шукрлар бўлсинки, бу гуруҳдан ҳам 1-ўринни олиб чиқдик ва чемпионликни кўлга киритдик.

— Жаҳоннинг энг кучли жамоаларидан бири Россия билан бўлган ўйин ҳақида айтиб берсангиз.

— Россиялик футболчилар билан яхши муносабатларимиз бор. Ўйин ҳам шунга яраша 3:3 ҳисобида бўлди. Натижада биз эски рақибимиз — Туркияга, россияликлар эса Аргентинага тушишди. Биз Россия билан финалда ўйнаса керак, деб ўйлангандик. Лекин Аргентина ҳам кучли жамоа экан, финалга мезбонлар чиқишди. Аргентинага эса кўп гол урмадик — 3:1 ҳисобида енгдик.

— Кейинги режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Кейинги жаҳон чемпионати 2012 йил Японияда бўлиб ўтади. Осие қитъасида бўладиган ЖЧда ҳам муносиб иштирок этиб, кетма-кет учинчи марта жаҳон чемпионлигини кўлга киритишга ҳаракат қиламиз.

Мухаммадзис АРАПОВ:

— Энг қийин ўйинимиз финалда Аргентина терма жамоасига қарши бўлди. Ўз ўйинида деворлар ҳам ёрдам беради, деган гап бор. Мезбонлар мухлисларнинг кўллаб-қувватлашлари остида финалгача етиб боришди. Финал ўйинида ҳам майдон эгаларини 10 мингдан ортиқ мухлис кўллаб-қувватлаб турди. Шу боис ўйиндан олдин бизда ҳаяжон бўлди. Аммо таҳрибамиз кўплиги сабабли, Аргентинага қарши ўз ўйинимизни кўрсатдик. Ўйин зўр бўлди. Ҳаттоки маҳаллий мухлислар ҳам бизни кўллаб-қувватлашга ўтиб кетишди. Аргентинада аҳолининг деярли 90 фоизи футбол билан шуғуллангани учун мазкур мусобақага ҳам қизиқиш юқори бўлди.

Интернет орқали ўзбекистонлик мухлислар биздан юқори натижа кутишадиганини ҳис қилиб турдик. Бу ҳақда uff.uz сайтига ҳам ёзиб турдим.

Кудрат ХУДОЙҚУЛОВ (дарвозабон):
— Эрон билан ўйинда пенальтини қайтаришга муваффақ бўлибсиз...

— Ҳа, Эрон билан ўйин тугашига 5 дақиқа қолганида дарвозамиз томон пенальти белгиланди. Йигитлар пенальтини қайтаришимга ишонч билдиришди ва пенальти тепилишидан олдин ўзимни бунга тайёрлаб, рақибнинг қайси томонга тепишини тахмин қилдим ва зарбани бартараф этишга муваффақ бўлдим. Бундан барчамиз хурсанд бўлди. Эрон билан 0:0 ҳисобидаги дуранг ўйнашимизга футболчиларимиздан бири — Хайдарали Турсунбоевнинг қизил карточка олиб майдонни тарк этиши ҳам сабабчи бўлди. Натижада майдонда бир киши кам бўлиб ҳаракат қилдик. Бизни она Ўзбекистонимизда мухлислар кўллаб-қувватлаб турганини ҳис қилдик, уларнинг меҳридан қувват олдик ва кўзлаган мақсадимизга эришиб, юзимиз ёруғ бўлди. Шохсупага кўтарилганда дилимиз чексиз қувончга тўлиб, ўзимизни бахтиёр сездик.

Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоларини, мухлисларни ва бутун футбол жамоатчилигини улкан муваффақият билан табриқлаймиз! Биз бу мақолани интернет материаллари асосида тайёрладик. Чексиз қувонч билан бу ахборотларни бутун дунёга овоза қилган муаллифларга ўз миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Бир футбол мухлиси сифатида бу хабардан бошимиз кўзга етди, қувонганимиздан кўлга қалам олдик:

**Матонат бобидо дунёда тенгсиз,
Сизлар ҳар яхшига яқоно енгисиз,
Юрак ҳаприқади, бир нарса денг сиз,
Ўзбекистон, дея ёнган йигитлар.**

**Ғолиблик аҳиллик самарасидир,
Булар Бобур шохнинг набирасидир,
Бари матонатнинг самарасидир,
Она юрти учун майдон йигитлар.**

**Юртим боғу бўстон, гўзал чамандир,
Бизга қанот бўлган она Ватандир,
Фарзандлар барчаси бир жону тандир,
Ўзбекистон учун қалқон йигитлар.**

Шу азиз Ватанда эъзоз топган барча матонатли йигитлар, тўрт мучаси соғларга ибрат бўладиган ишларни амалга ошираётган қалб кўзи очиқ биродарларимизга хайрли ишларида омадлар тилаймиз. Бутун жаҳон эътиборида турган шу кунда бу азизларнинг ҳолидан хабар олсак, уларнинг дилларига малҳам бўла олсак, нур устига нур бўлади.

Абдурахмон ЖўРА


ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг бош мезони

Конституциямизнинг

18 йиллик

байрами барчамизга муборак бўлсин.



**“ХОРАЗМ ТЕЛЕКОМ”
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**



**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ”
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**8 декабрь - Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинган
кун муносабати билан барча
юртдошларимизни
самимий қутлайди.**

**Юртимиз ҳамиша тинч,
осмонимиз мусаффо
бўлсин. Ушбу улуг айём
мамлакатимизга
янгидан-янги зафарлар
олиб келсин!**



«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АК

**2011
ЙИЛ**

вақтли матбуот нашрларига
обуна давом этмоқда.

Тел: (8-371)
233-75-49

сайт: www.akmt.uz,
e-mail: info@akmt.uz

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Тожикистон раҳбарияти бутун дунёга қоранинг қора эмас, аксинча, оқлигини, ҳаттоки, момиклигини исбот қилишга бўлган уринишларини ҳайратомуз қайсарлик билан давом эттирмоқда. Улар ўзларининг бундай фирром тарғиботини "нозик" буюртмаларни бажаришда ғаразли мақсадларни сохта илмий сафсатабозлик билан ниқоблаш йўлидан борадиган "тожик зиёлилари" вакиллари зиммасига юкламоқда.

ҲАР ИШДА ИНСОФ ВА МЕЪЁР БЎЛГАНИ ЯХШИ

Яқинда матбуотда ўзини кимё фанлари доктори, Тожикистон ИФА академиги сифатида тақдим этган Жонон Икромийнинг эълон қилинган мақоласи бундай буюртмаларни чиқаришга яққол мисол бўла олади.

Мақолада ушбу олим жаноблари ўз буюртмачиларининг гўёки Ўзбекистон-Тожикистон чегарасида жойлашган Тожикистон алюминий заводининг захарли чиқиндилари кўшини давлатлар учун мутлақо хавфсиз, Роғун ГЭСи лойиҳаси эса Амударёнинг қуйи қисмида жойлашган барча мамлакатлар учун ҳаттоки, фойдали экани тўғрисидаги куракда турмайдиган фикрларини катта иштиёқ билан ҳимоя қилган.

Авваламбор, Ж.Икромийнинг ушбу муаммага бағишланган "ижод намунаси"ни диққат билан ўрганиб чиққан киши муаллифнинг руҳий соғломлигига шубҳа қилади. Негаки, юксак илмий ўнвонларга эга бўлишига қарамадан, унинг мазкур "асари", олимлар ибораси билан беозор қилиб айтганда, мантиққа мутлақо тўғри келмайди.

Масалан, Тожикистон алюминий заводи ҳимоясига бағишланган ўз мақоласида ушбу корхона билан боғлиқ экологик муаммоларга нима учун бунчалик жиддий эътибор берилмаётганини КПСС Марказий қўмитасининг ўтган асрнинг 50-60 йилларидаги алюминий ишлаб чиқаришда Ўзбекистонда эмас, балки Тожикистонда ташкил этиш тўғрисидаги қарори ўзбекларга алам қилган, дея изоҳлашга уринади.

Унинг таъкидлашича, "завод ишга тушган дастлабки кундан бошлаб, экологик тадқиқотлар ташкил этилган" ва "атмосферага чиқариладиган барча газлар қалин мато орқали ўтказилган" эмиш. Яъни, корхона чиқиндиларининг экологик хавфсизлиги масаласини ушбу заводни лойиҳалаштириш босқичида эмас, балки у ишга туширилиб, мўриларидан қуюқ захарли тузун бурқираб чиқа бошлагандан сўнг таҳлил қилишга киришилган. Шу боис бу мўриларга "қалин мато" ташланиб, чиқиндилар устига содалди эритма қуйишга ҳарор қилинган. Тожикистон алюминий заводи ишга туширилган 1975 йилда совет технологиялари ривож ҳамда совет ҳокимиятининг атроф-муҳит муҳофазаси масалаларига муносабати ана шу даражада эди.

Таассуфки, бугун ҳам, орадан 35 йил вақт ўтган бўлса-да, Тожикистон раҳбарияти ана шу алмисокдан қолган технологияга ёпишиб олиб, Тожикистон алюминий заводининг экологияга, Тожикистон ва Ўзбекистон халқлари яшайдиган худудларга етказаятган зарарига бепарволик билан қарашини намойиш этмоқда. Яна бир ачинарли томони шундаки, юксак

экологик ўзгаришларга "сув тақчиллиги" сабаб бўлиб, тупроқдаги зарарли аралашмалар эса Ўзбекистон худудидидаги корхоналарнинг технологик чиқиндилари туфайли пайдо бўлаётган эмиш... Шунинг учун Ўзбекистон экологлари "айбни Тожикистон томонига ағдармасдан, ўз корхоналарини текширишлари шарт ва мажбур" эмиш.

Аввало шунга таъкидлаш жоизки, нафақат ўзбекистонлик экологлар, балки оз-моз саводи бор одам ҳам Ўзбекистоннинг Тожикистон алюминий заводи чиқиндилари билан зарарланган худудларида нима сабабдан фторли водород ва фторли водород бирикмаларининг юқори даражада тўпланиб қолаётганини тушуна олади. Фторли водород таркиби (фторга ҳисобланганда) халқаро нормаларга биноан бир куб метр ҳавода 0,005 миллиграммдан ошмаслиги керак ва бу сувнинг бор-йўқлигига мутлақо боғлиқ эмас.

Этимол, профессор Ж.Икромий ўзининг мазкур мақоласини бошқа хавфлар билан бирга наркотик таъсир кучига эга бўлган ушбу газ таъсири остида ёзмаганмикин, деган иштибоҳ тўғрисида... Акс ҳолда кимё фанлари докторининг фаол бирикма ҳисобланган фторли водород ҳаводаги нам билан тез бирикми, Ўзбекистон учун ҳеч қандай зарар етказмайдиган кислотга айланади, деган фикрини қандай изоҳлаш мумкин?

Аслида эса, фторли водороднинг ҳаводаги нам билан бирикishi натижасида гоятда захарли кислота ҳосил бўлади. У қон ва қон ҳосил қилувчи органлар, овқат ҳазм қилувчи тизим ўзгаришига, ўпка шишишига олиб келадиган ўткир ҳамда сурункали захарланшига сабаб бўлиши мумкин. Мазкур кислота кўз териси ва шиллиқ пардасини ишдан чиқаради, тери-резорбтив, эмбриотроп, мутаген ҳамда кумулятив таъсирга эга. Қалқонсимон безда тўпланади ва уни издан чиқариб, эндемик буқоқ касаллигига сабаб бўлади. Ушбу модда атроф-муҳит учун энг хавфли захарлар сирасига киритилган.

Таъсир кучи ўткир мазкур кислота ва унинг эрийдиган тузларининг захарлилиги шундаки, эркин фтор ионлари эрмайдиган тузда кальций ва магнийнинг биологик муҳим ионларини бириктириш хусусиятига эга. Махсус антидотлар деярли йўқ. Шу боис одам терисига фторли водороднинг ҳалокатли дозаси тушганда, инсон таркибида наркотик моддалар бор препаратлар ёрдамида бор-йўғи бир неча кун яшаши мумкин. Лекин уни қўқариб қолишнинг илоҳи йўқ.

Фтор ва ноорганик фторидлар кимёси соҳасида докторлик даражасига етган олим одам, нархоти, фторли водороднинг бундай хавфли томонларини билмасми? Бу олимнинг ўз илмий обрўсига пугур етказадиган бундай хом-хатама мақолаларини ёзишини Тожикистон алюминий заводи Тожикистон ва Ўзбекистон атроф-муҳитига етказаятган катта зарарга атайлаб панжа орасидан қараётган ва ушбу корхонанинг бугунги ҳолатда ишлашидан бевоқиф манфаатдор шахсларнинг ноғорасига ўйнаётгани билангина изоҳлаш мумкин.

Тожикистон иқтисодиёти ва халқи учун Тожикистон алюминий заводи стратегик муҳимлиги ҳақида чиройли сўзларни ўзига ниқоб қилиб олган бундай буюртмачилар корхонадан келаятган барча даромадини оффшор зоналарга ўтказиб юбормоқда. Аслида эса бундай қимсаларни Тожикистон халқининг иқтисодий ночор аҳволи, катта даромад келтирадиган мазкур корхона чиқараётган захарли чиқиндилар сабабли ўз аҳолисининг, айниқса, қўшни мамлакат аҳолисининг турли касалликларга чалинаётгани ва организмда тузатиб бўлмас ўзгаришлар юз бераётгани зарарча ҳам қизиқтирмайди.

Алишер ЁҚУБОВ.
(Манба: — <http://www.2shanbe.tj>)

ХОРАЗМ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Жонажон мампакатимизда истиқомат қипаётган барча ватандошларимизни Конституциямизнинг

18 йиллик

шодиёнаси билан табриклайди.



Барчангизга мустақкам соғлиқ, хонадонларингизга қут-баракат, юртимиз тараққиёти йўлидаги фидокорона меҳнатларингизга улкан муваффақиятлар тилаймиз!

РАНГИН ДУНЁ АТИР



Бугунги кунда қимматбахо атирлардан фойдаланиш урфга киргани сир эмас. Шунданми, ер юзидаги деярли барча мамлакатларда турли хил атирлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Тўғри, инсоният қадим замонлардан бери хушбўй сувлардан фойдаланиб келган. Бироқ, ўшанда ҳаммада ҳам атирдан фойдаланиш имкони бўлмаган. Тарихий маълумотларга қараганда, қадимда одамлар ўсимлик ва гулнинг бехосдан ёниши натижасида хушбўй ис таралаётганини фахрлаб қолишди. Шундан сўнг,

КАШФИЁТЛАР ТАРИХИ

ёқимли ис ҳосил қилиш мақсадида хушбўй ўт-ўланлар ёқа бошланган. Дарвоқе, «парфюмер» сўзи лотинча «фумус» сўз бирикмасига яқин бўлиб, у «тутун» маъносини англатади.

Қолаверса, қадимги мисрликлар бундан бир неча минг йиллар аввал ҳам ўсимлик ва гуллардан хушбўй атирлар тайёрлашни билишган. Аммо, атиргул япроқларидан тайёрланган мушк илк бор араблар томонидан 1300 йил аввал кашф этилган. Атиргул сувидан ўшанда нафақат хушбўй атир сифатида, балки бир қанча касалликларни даволашда ҳам фойдаланилган. Энг аввал кашф қилинган шифобахш мойлардан бири ҳам атиргул мойи ҳисобланади. Уша даврда ярим гектар майдонга экилган атиргуллардан бир тонна гул япроқлари йиғилган. Ундан эса ярим килограмм мой олинган, ҳосил. Кўриниб турибдики, ўша даврларда атир ниҳоятда қимматбахо ҳисобланган. Ҳатто, унинг қадри олтин билан тенглаштирилган. Аслида илк бор атир қачондан ишлаб чиқарила бошлангани номаълум. Бироқ, олимлар қадимги топилмалар устида тадқиқот ўткази туриб, дастлабки атир эраимиздан аввалги IV асрда яратилганлигини тахмин қилишмоқда.

Римлик оқ суюқлар атирини фақат тана учун эмас, балки хоналар хавосини хушбўйлаштириш ҳамда ҳовуз сувларини тозалаш учун махсус эс-

сенциялар ўйлаб топишган. XI асрга келиб асосан ибодатхона коҳинлари хушбўй атирлар яратиш мақсадида тадқиқот ўтказишлари учун ибодатхоналарда махсус ёпиқ гул боғлари барпо этилган. XIX асрга қадар атир ишлаб чиқариш анча сусайган бўлса-да, 1921 йили Францияда биринчи бор замонавий атир кашф қилинади. Шундан сўнг, бугун дунё бўйлаб атирларнинг турли хиллари ишлаб чиқарила бошланган.

ФАВВОРАЛАР



Фавворалар узок замонлардан бери мавжуд сув иншооти ҳисобланади. Аввалги фаввораларнинг кўриниши олдидики бўлган. Улар чирой учун эмас, асосан ҳўжалик юмушларида фойдаланиш учун

қурилган. Уша пайтларда тоғ-дашлардан махсус акведуклар орқали сув қишлоқ ва шаҳарларга етказиб турилган. Аммо қадимги греклар гўзаллик ошноси бўлгани учунми ҳовузга озроқ чирой бериб, уни фавворага айлантириш гоёси янада ажойиб фаввораларнинг кашф қилинишига сабаб бўлади.

Римликлар эса бу даврга келиб грекларникидан қолишмайдиган ўзига хос антиқа фаввораларни ўйлаб топишди. Энг қизиғи, кўпчиликнинг тилига ўрнашиб қолган «фонтан» сўзи айнан Римдан келиб чиққан. Улар фаввораларнинг модернизацияси билан жиддий шуғуланишган. Ушанда фаввора қувурини пишиқ гишдан тайёрлаб, унга ғаройиб баликлар кўринишидаги хайкаллар ўрнатилган. Улкан империянинг қулаши туфайли фавворалар ёдгорлик ҳуқуқини йўқотди ва унга оддий сув манбаи сифатида қарала бошланади. Кейинчалик қадимги дунё қадриятлари тикланиши сабабли ҳозирда дунёга машҳур фавворалар яратилади. Масалан, узок йиллардан бери Версалдаги ажойиб фаввора бутун дунё сайёҳларини ўзига ром этиб келмоқда.

ЛИФТ


Норасмий маълумотларга қараганда, биринчи лифт 1763 йили Франция қироли Людовик XVнинг

саройида, яъни Версалда ўрнатилган. Аммо, қадимги манбаларда илк кўтарма мослама VI асрда Мисрдаги Синай ибодатхонасида қурилган, дейилган. Айрим маълумотларда эса, қадимги римликлар эраимиздан аввалги I асрдаёқ кўтарма мослама-машинани фойдаланишга қайд этилади. Бу пайтда асосан инсон қўли билан кўтарма қурилмалар ҳаракатга келтирилган.

Илк буғ машинаси яратилганидан сўнг, кейинчалик кўтарма мосламалар ҳам ана шу механика бўйича ишлаб чиқарила бошланади. 1852 йилда америкалик муҳандис Греис Отис «хавфсиз лифт» деб номланган илк буғ машинасида ишлайдиган кўтарма мосламани иختиро қилди. Унинг кашфиёти кейинчалик замонавий лифтларнинг яратилишига асос бўлади. Ана шу кашфиётдан сўнг Отис кўтарма мослама ишлаб чиқарадиган кичик устахона очди. 1854 йилда Отис ўз кашфиётини Нью-Йоркнинг кўрғазмалар залида намойиш қилганида унинг иختираси кўпчиликка маъқул келади. Кейинчалик кўтарма қурилмаларнинг турли хиллари иختиро қилинади. Отис асос солган «Otis» компанияси эса ҳанузгача ўз замонасига кўра лифтларни ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда.

ДАЗМОЛ

Қадимги замонларда кийимни текислашда оғир тошлардан фойдаланишган. Текис ерга кийим ёйилиб, устидан тош бостирилган. Кейинчалик текис таёққа кийим ўралиб, уни стол устида думалатишган.



Қадимги Русда бу усулдан бир неча асрлар давомида фойдаланилган. Замонавий дазмолнинг пайдо бўлишига эса оддий това сабаб бўлган. Ўтмишда това иختиро қилингандан сўнг, кимдир унга кўмир солиб ёқиб устидан қопқоқ ёпишни ўйлаб қолади. Ана шунда қизилган това ёрдамида кийимни текислаш мумкинлиги кимдир хаёлига келади. Қарабсизки, това дазмолга айланади-қўяди. Яъни, товада кўмир ёқилганидан сўнг унинг устига қопқоқ ва митти мўри ўрнатилган. «Дазмол» ҳаракатланганида кўмир яхши ёниши учун тованинг ёнидан тешиб қўйилган. Кийим дазмоллашнинг ушбу усули ўшанда анчайин меҳнатни талаб қилган. Кейинчалик уй бекалари бир пайтнинг ўзида иккита дазмолдан фойдаланишди. Улар дазмолларнинг бири қизиб турганига қадар иккинчисидики кийим дазмоллашган. Кейинчалик дазмолни қиздириш учун кўмир ўрнида электр спираллар ўйлаб топилади. Техника тараққий этиши билан бирга дазмол ўзининг ҳозирги кўринишига эга бўлади. Ҳатто, бугунги кунда симсиз, қуёш батареяси ёрдамида ҳамда ультратинафша нурулар таъсирида қизийдиган дазмоллар кашф этилди. **Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, «Milliy tiklanish» мухбири**

VATAN TUVUQ USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ХОММИЙ:
«МАТЕУОТ ТАРКАТУВЧИ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ
Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АХМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Суван НАЖБИДДИНОВ, Мухаммадхон КУРОНОВ, Ғафуржон МУХАМЕДОВ, Улугбек МУХАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ
Бosh муҳаррир:
Жалолиддин САҒОЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
e-mail: milliy@sarkor.uz
Газета ҳафтаининг чоршанба кuni чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1123, Адади — 2488

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-69-55, 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: 234-01-47
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Саҳифаловчи:
Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Қамолддин ХОТАМОВ
Навбатчи:
Дилфуза РЎЗИЕВА
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 1.00.

ALOQABANK

ОАТ "Алоқабанк" барча ҳаётларимизни, фидокорона меҳнат қилаётган акциядорларимизни, мижозларимизни ва ҳамкасбларимизни мамлакатимиз

Конституцияси куни билан муборакбод этади.



Сизларга тинчлик, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди!

Банк ўз мижозларига қуйдаги янги хизматларни таклиф этади:



Жисмоний шахслар учун ИНТЕРНЕТ БАНКИНГ



VISA Classic

карточкасига эга бўлинг ва фойдаланинг. ОАТ "Алоқабанк" VISA Classic карточкаси сафарларингиз учун тенгсиз ҳамроҳингиздир.

Шунингдек, банк аҳолига жозибадор омонатларини таклиф этади.

Тел.: (+998 71) 252 78 82
www.alokabank.uz
alokauz@uzpak.uz

YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN

MILLIY TIKLANISH

2011 йил учун «Milliy tiklanish» ижтимоий-сиёсий газетасининг **ЭЛЕКТРОН НУСХАСИГА** ҳам обуна бўлинг!



«Milliy tiklanish»га тезкор усулда обуна бўлишни истасангиз, «Mahagon anime studio» масъулияти чекланган жамиятининг 311-56-33, 281-54-77 телефонларига (e-mail: info@mahaon.uz, www.citybook.uz, www.soho.uz) мурожаат қилинг!

КЎЗГУ

КЎРГАЗМА

СУРАТЛАРДА ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида Конституциямиз қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди. Унинг очилишида фоторассомлар, санъатшунослар, талаба-ёшлар, журналистлар иштирок этди.

Бадий академия раиси Т.Кўзиёв мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида санъатнинг барча турлари каби фото санъатини ҳам равнақ топтириш, унинг анъана ва мактабларини бойитиш, соҳа ижодкорлари меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида

кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бош қомусимизда ҳар кимга ижод эркинлиги ва маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланишининг белгилаб қўйилгани бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётди. Кўргазма экспозициясидан ўрин олган фотосуратларда


Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилган асосий қоида ва тамойиллар ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўз ифодасини топаётгани, баркамол авлод тарбияси йўлида кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик турли жанр ва услубларда акс эттирилган.

Фото санъати ихлосмандлари бу ерда таниқли фоторассомлар билан бирга ёш фотосуратчиларнинг ижод намуналари билан ҳам танишиши мумкин.

Назокат
УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

“УРГАНЧ МАХСУС ТАЪМИР ҚУРИЛИШ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Бунёдкор халқимизни умумхалқ байрами - Конституциямизнинг 18 йиллиги билан табриклайди.



Осмонимиз мусаффо, юртимиз ҳамيشа тинч бўлсин!



«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

2011 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотлар ва юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгиланишлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб бораман десангиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг! Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Маълумот учун қуйдаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда: 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

ҚР Нукус (3612) 22-88-68	Самарқанд (3662) 34-22-53
Андижон (3742) 22-29-89	Сирдарё (3672) 25-47-70
Бухоро (3652) 25-47-49	Сурхондарё (3762) 27-49-03
Жиззах (3722) 22-40-01	Тошкент вил. (3712) 233-13-04
Қашқадарё (3752) 25-40-27	Фарғона (3732) 24-29-22
Навий (4362) 23-26-86	Хоразм (3622) 26-63-75
Наманган (3692) 26-29-80	Компания бўлими 234-85-99

Обунага кўмакчи – «Матбуот тарқатувчи»